



Мен Ҳавзи Кавсар бўйида туриб, сизлардан қайсиларингиз мен томон келаётганингизни кузатиб тураман, шунда ҳузуримга келган одамларни олиб кетишади. Буни кўриб, мен: «Ё Рабб, ахир улар мендан ва умматимку!» - дейман

Асмо бинти Абу Бакр ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Мен Ҳавзи Кавсар бўйида туриб, сизлардан қайсиларингиз мен томон келаётганингизни кузатиб тураман, шунда ҳузуримга келган одамларни олиб кетишади. Буни кўриб, мен: «Ё Рабб, ахир улар мендан ва умматимку!» - дейман. Менга: «Сен уларнинг ўзингдан кейин нима қилганларини биласанми, улар йўлдан озиб, ортларига қайтишда давом этаверганлар?!» - дейилади».

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллalloҳу алайҳи ва саллам Қиёмат куни ҳовузлари олдида, ҳовуз томон келаётган умматларини кузатиб туришларини баён қилдилар. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламга яқинлашиб қолган бир гуруҳ одамлар тўхтатилганида: "Раббим, улар мендан, улар менинг умматимдан!", - дейдилар. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламга: «Сиз улардан ажралгандан кейин уларнинг қандай ишларга қўл урганларини билмайсиз. Аллоҳга қасамки, улар ортларига қайтиб, динларидан муртад бўлгач, на сизга ва на умматингизга алоқалари қолмаган», - дейилади.

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/65031>

